

**КАЙКОВУС**  
(1021-1099)

Унсуру-л-Маолий Кайковус Каспий денгизининг жанубий киргогидаги Гилон кабиласидан бўлиб, унинг отаси машхур шох Шамсу-л-Маъолий Кобуснинг ўглидир. Кобус ўз даврида таназзулга юз тутган самавийлар хонадонини тиклашга уринди, бироқ бунга эришиш учун Махмуд ёрдами билан Табаристонни забт этиб, пойтахт қилган (унинг хузурида маълум муддат Беруний ҳам яшаган). Кобуснинг набираси ўз замонасининг илмий ҳукмдорларидан бўлиб, ўгли Гилоншоҳга бағишлаб "Насихатномаи Кайковус" асарини ёзди. Асарни машхур шох бобосининг номи билан "Кобуснома" деб атади. Муаллифнинг бундан бошқа асарлари борлиги маълум эмас. "Кобуснома" 1083 йили Журжонда ёзилган бўлиб, 44 бобдан иборат.

Асар бобларининг мундарижасидан маълум бўлишича, муаллиф замонасининг фозил ва зукко кишиларидан бўлган. Нафакат подшоҳлик мансаби ва масалаларида, билим ва маданий-ахлокий ишларда ҳам намуна бўла олган. Шунинг учун бўлса керак, "Кобуснома" 1432 ва 1705 йиллари турк тилига, 1786-87 йили уйгур, 1881 йили эса татар тилига таржима қилинган. Оврўпада 1886 йилги русча ва французча, 1811 йилги немисча таржималари мазкур бўлган. Ушбу мажмуага 1860 йилда Огахий томонидан амалга оширилган таржима асос бўлди. "Кобуснома" фақатгина ахлокий насихатнома бўлмай, унда бадиий ижод билан боғлиқ масалалар ҳам акс этганки, шу жиҳатдан у XI асрнинг адабий-назарий манбаси сифатида эътибор уйғотади.

**«КОБУСНОМА»дан. Шоирлик хакида**

Эй фарзанд, шоир бўлишни истасанг, ҳаракат қилки, сўзинг осон ва фойдали бўлсин, англашилмайдиган, қийин сўзларни ишлатмагил, ўзинггина билиб, бошқалар унинг шарҳига мухтож бўлгудек сўзни айтмагил, чунки шеърни халқ учун ёзиш керак ва ўзи учун ёзмайди. Бир хил вазн ва қофияга қаноат қилмагил, санъатсиз, тартибсиз шеър айтмагил. Шеър зарб ва шаклда алъал<sup>1</sup> бўлса, яъни вазни тўла бўлса, яхши бўлади. Шоирлик қондасига қўра (шеър ёзишда) санъатдан гофил бўлмагил. Масалан, шоирларнинг зарур усуллари шулар: мужонис (ўхшаш), музмар (яширин), мутобик (уйғун), мушоқил (шаклдош), мулавван (бўялган), муташобих (аллегорик), муқаррар (такрор), мувассал (уланган), мураддаф (радиқли), мусаммат (шеърнинг бир бандидаги қофия ва бошқа мисралардаги қофиядан фарқ қилади), муқаттаъ (қесик), мусажжаъ (қофиядош), мутазод (қарама-қарши), мувашшах (безатилган), мустаар (қўчма маъноли), мухаллаъ (бўртмоқ), мустаҳиёт (ўзгариш), муставий (равон), муздаваж (жуфт), муваана (параллел), зулқофиятайн ражаз маклуб (қўш қофияли мактов шеъри) ва шунга ўхшашлар<sup>2</sup>.

Аммо сўзнинг юксак (ва таъсирчан) бўлишини истасанг, киноя, истехзоли гапни (кўп) сўзлама, мумкин қадар истиораларни ишлатгил. Мадҳда истиорани ишлатгил. Агар газал ёзмокчи бўлсанг осон, равон ва латиф сўзлар билан ёзгил ва машхур кофиялар билан зийнатлагил, совук ва ёкимсиз кофияларни ишлатмагил, ошикона ўз ахволингни ва гўзал (ёкимли) сўзларингни кўлдан бермагил ва яхши масалларни ҳам кўлдан бермагил, шундай ёзсанг, юкори табака ҳамда оддий халкка маълум бўлади ва сенинг шеъринг шухрат топади.

Огир вазнда ва арузда<sup>3</sup> шеър ёзмагил, чунки аруз ва огир вазн ёкимсиз киликли, совук (табиатли), латиф ва нозик маънилардан махрум бўлган одамлар учун яхшидир. Агар бирор киши шундай шеърни талаб қилса, ёзсанг бўлади. Аммо аруз, шоирлик, тахаллус<sup>4</sup> илмини ўрганиш билан шеър (ёзишни) ўргангил. Агар шоирлар орасида мунозара бўлса, ё бир киши сен билан кашфиёт хакида бахслашиб қолса ёки сени имтихон қилиб кўрса, енгилиб қолмагил, аруз доираларини<sup>5</sup>, уларнинг отларини, доиралардан пайдо бўладиган бахрларнинг отларини билгил. Масалан, хазаж, рамал, хазажи макфуф, хазажи ахраб, ражази матвий, рамали мажнун ва мансух, хафиф, музореи ахраб, муктазаб, мутакориб, қариби ахраб, мансухи қабири басит, мадид, комил ва вофир. Буларнинг монандини ва бу бахрларнинг барча аруз ва зарбларини билиб олгил. Мадҳия, газал ё хажв ёки марсия ёзмокчи бўлсанг, сўзни мукамал ишлатгил, сўзни нотамом ишлатмагил. Насрда ишлатилган сўзни назмда ишлатма, негаки наср - раият, назм подшо мартабасидадир. Агар бир нарса раиятга лойик бўлмаса, подшога ҳам лойик эмас.

Газални гўзал ва равшан ёзгил, мадх ёзишда бакувват ва баландхиммат бўл. Хар бир одамга лойик сўзни айтгил ва хар бир кишининг қадрига қараб шеърни билиб ёзгил. Агар одамда қахрамонлик бўлмаса, уни шижоатли, баходир деб мактамагил. Агар одам белига пичок такмаган бўлса, унга, қилич билан шерни ўлдирасан, найза билан Бесутун<sup>6</sup> тоғни тешасан, ўқни чумолинг кўзидан ўтказасан, демагил. Хар одамки, отга минмаган бўлса, унга сенинг отинг Дулдулга<sup>7</sup>, Рахшга<sup>8</sup>, Бурокка<sup>9</sup> ўхшайди, демагил. Хар бир одамга муносиб сўзни айтгил. Аммо шоир мадх қилинувчининг табиатини ва унга қандай сўз маъкул бўлишини билиши лозим. Унинг хошишига лойик мадх қилгил. Шундан кейин унинг инъомидан қўнглинг хоҳлаганча қўз тутгил ва химматингни паст тутмагил, хар бир масалада ўзингни банда ва ўзгани ходим деб қўп айтмагил, агар мактаган кишинг шу сўзга лойик бўлса, айтгил.

Хажв<sup>10</sup> қилишни одат қилмагилки, ёмон бўлади. Агар шеърда ёлгон ва муболагани яхши десалар ҳам, ёлгонни хаддан ошириб юбормагил, дўстларнинг ва халқнинг баланд мартабали эканини айтишни зарур деб билгил. Аммо газал ва марсияни бир хил услубда, хажв ва мадхни ҳам бир хил услубда ёзмагил. Агар хажв ёзишни билмасанг, мадхнинг тесқарисини ёзгилки, бу хажв бўлади, марсия ва газални ҳам шундай қил. Хар хил нарса ёзмокчи бўлсанг, ўз фикринг билан ёзгил, бошқаларнинг сўзини такрорлама, агар бошқаларнинг сўзини такрорласанг, қўнглинг очилмайди, шеър майдони сенга кенг бўлмас ва дастлабки шеър ёзган даражангда қолаверасан. Табиатинг очилиб, шоирликка қодир ва мохир бўлганингдан сўнг, агар бирор ердан бирор ажойиб маънили сўз эшитсанг, сен шу сўзни маъкул кўрсанг, бу сўзни бошқа ўринда ишлатишни истасанг (шундай сўзни ишлатдим деб), такаббур бўлиб кетмагил, лекин бу сўзни ишлатмагил, агар шундай сўзлар мадҳда ишлатилган бўлса, сен хажвда ишлатсанг (маъкул бўлади), газалда бўлса, марсияда ишлатгил, чунки киши бу сўзни қаерда ишлатилганини билмасин.

Агар мактовчини талаб килсанг ёки бозор ишини килсанг, ковогинг солик, кийиминг ифлос бўлмасин, хамма вақт чехранг очик бўлсин, кулиб тургин. Нодир хикояларни, кулгили сўзларни ёд ол, чунки мактовчининг олдида шоирнинг бундан бошқа чораси йўқдир.